

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ХУСУСИЙЛАШТИРИШ,
МОНОПОЛИЯДАН ЧИҚАРИШ ВА РАҚОБАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

131 Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 51-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил
17 мартда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-2*

Ўзбекистон Республикасининг «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 30 декабрдаги 374-сон «Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон қарори (рўйхат рақами 2314, 2012 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 25-модда) билан тасдиқланган Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 51-банди қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«51. Ғолиб ғолиблик баённомасини ёки ер участкасига бўлган ҳуқуқни реализация қилиш тўғрисида шартномани имзолашдан бош тортган ёки рад этган тақдирда:

аукцион комиссияси томонидан ғолиблик баённомасига тегишли белги қўйилади ва ғолиб томонидан таклиф этилган нархдан бир босқич паст нархни таклиф этган қатнашчи билан олди-сотди шартномаси тузишни таклиф қилади;

агар ушбу қатнашчи ҳам шартномани имзолашни рад этса, аукцион комиссияси савдолар натижаларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Аукцион комиссия томонидан савдолар натижаларини бекор қилиш тўғрисида қарор қабул қилинганда савдо ташкилотчиси мазкур Низомга мувофиқ ер участкаси бўйича такрорий аукцион савдосини ташкиллаштиради. Бунда ер участкасига бўлган ҳуқуқнинг бошланғич нархи уни даст-

лабки аукцион савдосига чиқаришда белгиланган бошланғич нарх ҳисобланади.».

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Д. ХИДОЯТОВ

Тошкент ш.,
2015 йил 13 март,
01/27-26/08-сон